

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САДРИДИНОВ СУХРОБ РУСТАМЖОНОВИЧ

**ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ
(ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТ)**

19.00.05 – Ижтимоий психология; этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Psychological sciences**

Садриддинов Сухроб Рустамжонович

Педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоя (ижтимоий-психологик
жихат).....5

Садриддинов Сухроб Рустамжонович

Психологическая защита в системе педагогической деятельности (социально-
психологический аспект).....29

Sadriddinov Sukhrob Rustamjonovich

Psychological protection in the system of pedagogical activity (socio-
psychological aspect)54

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publishet works56

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019. P.01.07РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

САДРИДИНОВ СУХРОБ РУСТАМЖОНОВИЧ

**ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ
(ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТ)**

19.00.05 – Ижтимоий психология; этнопсихология

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Психология факультети бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида
В2019.1.PhD/P96 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида www.ndri.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) маълумларига
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедова Дилбар Гафурджановна
психология факультети доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Абдуллаева Шоҳра Ҳамидовна
психология факультети доктори (DSc)

Сиринев Бахтиёр Назарович
психология факультети номзоли, доцент

Етказчи ташкилот:

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Диссертация ҳамояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги
DSc.03/30.12.2019.P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «16» 12
сонг 14^о дақиқ мўҳлатида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4
уй. ЎзМУ, Иқтисодий фанлар факультети биноси, 5-қavat, 511-хона. Тел.: (+99871) 246-52-
74/факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-04, e-mail: naika@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида
таанишиш мумкин (10) рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри,
Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, "В" ким, 2-қavat, 217-хона. Тел.: (+99871)
246-67-71.

Диссертация автореферати 20 20 йил « 05 » 12 кунг тарқатилди.
(20 20 йил « 05 » 12 дақиқ 63 45^о рақамли регистр баённомаси).


А.И. Расулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раёси, психол.ф.д. (DSc), доцент


Н.Н. Раҳимова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, психол.ф.д. (PhD), доцент


Н.С. Сафоев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қондаги илмий семинар
раёси, психол.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда психологик ҳимоядан фойдаланиш масаласи инсон ва унинг касбий камолотини таъминловчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Ижтимоий муносабатлар тизимида касбий фаолиятда психологик ҳимояни таъминлашнинг “формал-ишончли”, “шартли-ишончли”, “зарурий-ишончли” тарзидаги янги касбий муносабатлар усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бунда ўз навбатида касбий камолотнинг ижобий барқарор кечишини таъминлаш учун психологик диагностика ўтказиш ва ижтимоий нуқсонларни психологик коррекциясини амалга ошириш вазифалари белгиланмоқда.

Жаҳонда ижтимоий-психологик тадқиқотлар доирасида педагогик фаолиятда шахс ва унинг субъектив фаолиятини ўрганишга муҳим омил сифатида қаралади. Педагогик фаолиятда психологик ҳимоя компонентларининг ўзаро алоқадорлиги, уларни ифода этиш механизми, вазият омилнинг психологик ҳимоя моделини танлашдаги таъсири, психологик ҳимояни фавқулотда вазиятларда намоён этилиши каби масалалар бўйича устувор даражада илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур илмий изланишларда психологик ҳимоянинг ижтимоий-маданий жиҳатлари ва касбий муносабатларда ментал тарзда намоён бўлиши педагогик фаолият психологиясида муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда таълим сифатини тубдан яхшилаш ва педагог кадрларнинг жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар даврида социономик тоифадаги касбларнинг моҳияти ва уларга қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. “Бугун ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи, олийгоҳ домласи таълим ва илм-фан соҳасидаги энг сўнгги ижобий янгиликларни ўқув жараёнларига татбиқ эта оладиган, чуқур билим ва дунёқараш эгаси, бир сўз билан айтганда, замонамиз ва жамиятимизнинг энг илғор вакиллари бўлишлари керак”¹ вазифаси белгиланган. Мазкур вазифанинг ижроси педагогик фаолият тизимида психологик ҳимояни шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирларини белгилаш, “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқитувчи-мактаб раҳбарияти”, “ўқитувчи-ўқувчиларнинг ота-онаси”, “ўқитувчи-ўқитувчи” каби ижтимоий-психологик муносабатларни касбий меъёр даражасида кечишини таъминлаш механизмларини ишлаб чиқиш ва таълим тизимида психологик хизмат сифатини оширишни тақозо этмоқда. Шундан келиб чиқиб, педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоя йўналишида илмий тадқиқотларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 2020 йил 30 сентябрь. - <https://president.uz/uz/lists/view/3864>

йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2019 йил 26 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, таълимнинг узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Психологик ҳимоя мавзуси, илмий-тадқиқот предмети сифатида XX асрнинг бошларида психология фанида долзарб масала тариқасида танланиб, бу кунга қадар жаҳон ва мамлакатимиз психологияси фанида турли психологик таълимот ва концепциялар доирасида ўрганиб келинмоқда. Психологик ҳимояга оид илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларининг мутахассислари томонидан ўрганиб келинмоқда. Бунга Princeton university (АҚШ), The SIMEER National Research Centre at the University of England (Англия), University of Warwick (Буюк Британия), Belfield pedagogical university (Германия), Edith Cowan Universite (Австралия), University of Social Psychology (Польша), Москва давлат педагогика ва психология университети (Россия), Россия Федерацияси Фанлар академияси Психология институтида (Россия) олиб борилмоқда.

Тадқиқ этилаётган масала бўйича ўтказилган илмий адабиётлар таҳлилининг кўрсатишича, олимларнинг аксарият тадқиқот ишлари педагогик фаолиятга касбий тайёрлаш (педагогик тафаккурни шакллантириш контекстида Э.Ф.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, Б.Р.Кадиров, Р.С.Самаров, Д.Г.Мухамедова, Ш.Ҳ.Абдуллаева, М.Л.Саипова ва бошқалар)², педагог ва таълим олувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг психологик хусусиятлари (ижтимоий-маданий муносабатларни психокоррекцияси доирасида

² Ғозиев Э.Ф. Муомала психологияси. – Т., 2001. – 139 б., Шоумаров Ғ.Б. Ўзбекистон таълим тизимида психологик хизмат муаммолари. – Т., 1998. – Б.13-15., Қодиров Б.Р., Қодиров К.Б. Касбий ташхиси методикалари тўплами // Амалиётчи психологлар учун методик қўлланма. – Тошкент: ЎзМУ, 2003. – 94 б., Самаров Р. Психологик ёрдам кўрсатиш: илмий муаммо ва ёндашувлар // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар. 2014, 3-сон. 74-80–бетлар., Мухамедова Д.Г. Менеджмент в образовании: аспекты содержания подготовки кадров // Педагогик таълим, 2013. №3. – С. 17-21., Абдуллаева Ш.Ҳ. Педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари // Психология фанлари доктори (DSc) диссертация автореферати. – Т., 2019. – 62 б., Саипова М.Л. Педагог шахсида макиавиллазмга мойилликни диагностика ва коррекция қилишнинг назарий–методик имкониятларини такомиллаштириш // Психология бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. - Тошкент, 2018. - 45 б., Plutchik R., Kellerman H., Conte H. R. Ego Defenses: Theory and Measurement / Ed. H. P. Conte and R. Plutchik. New York, 1994., Асеева И.А. Успешный учитель: тренинговые и коррекционные программы. – СПб.: Речь, 2006. – 208 с., Тураева Д.Р. Касб-хунар коллежи ўқитувчилари фаолияти услубининг психологик хусусиятлари // Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2018. - 46 б.

Д.Г.Мухамедова, А.А.Налчаджян ва бошқалар)³, педагогик фаолиятни бошқариш (Л.С.Рубинштейн, В.Б.Ольшанский, У.А.Кондратьев ва бошқалар⁴), педагогик креативликни (Х.Р.Лыков, Р.А.Строгалева, Д.В.Чернилевский ва бошқалар) ўрганишга бағишланган.

Замонавий психология фанида психологик ҳимоя умумий психологияда (З.Фрейд, А.Фрейд, Ф.Б.Бассин, Б.Д.Карвасарский, А.А.Налчаджян, Е.С.Романова, Е.А.Сергиенко, Л.Ю.Субботина, В.А.Штроо, R.Plutchik, H.Kellerman, H.Conteva бошқалар⁵), меҳнат психологиясида (касбий камолот (психологик камолот таълимоти доирасида Е.Нейм, В.А.Бодров, Э.Ф.Зеер, А.К.Маркова, В.Е.Орёл, Ю.П.Поварёнков, Д.Сьюпер, Д.Холланд ва бошқалар), ёш даврлари ва педагогик психологияда (амалий психологик ёрдам кўрсатиш концепцияси доирасида Н.П.Анимова, М.Р.Битянова, И.В.Дубровина, С.В.Кривцова, Н.В.Морозова ва бошқалар), ижтимоий психологияда (ижтимоий муносабатлар динамикасини ўрганиш контекстида С.В.Richardson, K.L.Mulvey, M.Killen, А.Андреева, Д.Бьюдженталь, К.Рожерс, Б.Умаров, У.Қодиров ва бошқалар⁶), ҳарбий психологияда (шахсий таркибни салбий ахборотларнинг таъсирлардан ҳимоя қилиш амалиётида D.Tjosvold., J.Voss, J.Wiley, А.Г.Маклаков, А.Караяни, И.Сыромятников, Н.Лысаков, П.Корчемный, В.Федотов, С.Ахоров, С.Рахиммирзаев ва бошқалар⁷).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат педагогика университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-Ф1-126 “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика

³ Мухамедова Д.Г. Социально-психологические особенности эффективной управленческой деятельности менеджера образования // Методика и технологии в образовании. - Воронеж, 2010 - №6. - С. 51-54., Сапаров Ш.Б. Личности-профессиональные особенности преподавателей специальных дисциплин средних специальных профессиональных учебных заведений // Дис. к. психол. наук. - Ташкент, 1999. -156 с., Налчаджян А.А. Психологические защитные механизмы // Самосознание и защитные механизмы личности. – Самара, 2003. – С. 395-481., Расулов А.И. Шахс тўғрисида маълумот олиш усуллари // Psixologiya. - Бухоро, 2013, №3. - Б.88-96.

⁴ Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. 2-е изд. - СПб., 2002. - 720 с. <http://userdocs.ru/psihologiya>, Ольшанский В.Б. Практическая психология для учителей. – М.: Просвещение, 1994. –93с., Кондратьева О.А. Психологическая защита. – М.: Перо, 2014. – С.26., Старченкова Е.С., Ячанова А.Ю. Совладающее поведение в профессионально трудных ситуациях у педагогов на разных этапах профессионализации // Вестник Санкт-Петербургского университета. Сер. 12. 2011. Вып. 2. - С. 196–201.

⁵ Фрейд А. Эго и механизмы защиты. – М.: Издательство Эксмо, 2003. – 256 с., Freud A. Das ich und die Abwehrmechanismen. - London, Imago, 1946. – 207 p., Johnson D., Johnson R. Constructive Conflict in the Schools // Journal of Social Issues. 1994. Vol. 50. No. 1. - Pp. 117-137., Cramer P. The development of defense mechanisms: theory, research, and assessment. – New York: Springer-Verlag, 1991. – 251 p.

⁶ Маклаков А. Г. Общая психология. - СПб.: Питер, 2000. -С.471., Умаров Б.М. Ўзбекистонда вояга етмаганлар жиноятчилигининг ижтимоий-психологик муаммолари // Психол...ф-лари доктори диссертацияси. - Тошкент., 2009.-360 с.

⁷ Tjosvold D. van der Vilert E. Applying Cooperative and Competitive Conflict Theory to Mediation // Psychological Abstracts. April, 1995. Vol. 82. №. 4. - Pp. 1645., Richmond V. P., McCroskey J. C. Reliability and separation of factors on the assertiveness-responsiveness measure // Psychological Reports. 1990. №67. P. 449-450., Руськина Е.Н. Возможности достижения психологической безопасности личности в условиях манипулятивного влияния // Гуманитарные науки и образование. 2011. № 4 (8). - С. 85-87.

воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга тадбиқ этиш” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогик фаолиятда психологик ҳимоянинг муҳим касбий сифат(МКС)ларини тартибга солишнинг самарали шаклларини жорий этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

психологик ҳимоя тушунчасининг ижтимоий-психологик таҳлилинини амалга ошириб, этнопсихологик хусусиятларда ифодаланишини халқ оғзаки ижоди намуналарида илмий-амалий муаммо сифатида асослаш;

социономик касб соҳиблари фаолиятида психологик ҳимоядан фойдаланишда ижтимоий-маданий реалликни инобатга олишнинг афзалликларини аниқлаш;

педагогик фаолиятда психологик ҳимоянинг конструктив ва деструктив тарзда ифодаланишига таъсир кўрсатувчи омилларини аниқлаш;

педагогик фаолиятда психологик ҳимоянинг конструктив ва деструктив тарзда ифодаланишига таъсир кўрсатувчи омиллари ҳақида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти 260 нафар тингловчилари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предметини педагогик фаолият давомида психологик ҳимоя ифодаланишининг ривожланиш босқичлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертация ишида Р.Плутчикнинг Г.Келлерман ва Х.Р.Конте билан ҳамкорликда ишлаб чиққан “Ҳаёт тарзи индекси” (Life Style Index, LSI) сўровномаси, Д.Амирханнинг “Стрессни енгиб ўтиш копинг-стратегия индикаторлари”, “Тугалланмаган жумла” ҳамда математик-статистик усулларидан (Фишер мезони бўйича (φ*)) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

доминант психологик ҳимоя усулининг рационаллаштириш, компенсациялаш ва сиқиб чиқариш турлари бўйича илмий асослари педагогик фаолиятда низо, хавотирланиш ва дискомфорт туғдирувчи омилларни бартараф этиш асосида ривожлантирилган;

психологик ҳимояни таъминловчи ижтимоий-психологик механизмлар ҳимояни шакллантиришга мўлжалланган психологик тренингларда педагогларнинг хулқий ва эмоционал барқарорлигини ривожлантириш компонентларини психофункционал жиҳатдан қўллаш асосида такомиллаштирилган;

педагогик фаолиятни барқарор кечишини таъминлаш механизмлари педагог шахсини ҳимоя қилиш асосида педагогик ҳамкорликка устуворлик бериш орқали таълимни бошқариш амалиётини жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

педагогик фаолиятга психологик ҳимояни ижобий қўллаш асосида диагностик, прогностик-йўналтирувчи, конструктив-проектив, ахборотни шарҳловчи, коммуникатив-рағбатлантирувчи, таҳлилий-баҳоловчи, ижодий-

тадқиқий фаолият шакллари самарали жорий этишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

педагоглар томонидан фаолият давомида психологик ҳимояни вужудга келган вазиятнинг таъсири асосида конструктив тарзда қўлланишга тайёргарлиги шакллантирилган;

психологик ҳимоянинг когнитив, рефлексив, хулқий ва эмоционал каби асосий компонентларини шакллантириш ва коррекциясини амалга ошириш муваффақиятли педагогик фаолиятни таъминловчи психологик омиллардан бири эканлиги исботланган;

психологик ҳимоянинг қонуниятлари ва улардан педагогик фаолиятда фойдаланишнинг функционал тавсифи асосида эмпирик тадқиқотларнинг натижалари асосланган;

педагогик фаолиятнинг турли босқичларида психологик ҳимоянинг амал қилиши, педагогларнинг касбий тажрибаси, ёши ва жинси психологик ҳимоя усулидан фойдаланишга бевосита таъсир кўрсатиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот объектларининг тўғри Ўзбекистон муҳитида танлангани, тадқиқотларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, аниқлиги, текширувларнинг бир неча аниқ ва режали босқичларда ва турли усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда натижалар математик-статистик методларини самарали қўллашга имкон берувчи математик-статистиканинг Фишер мезони (F^*) асосида аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогика касбидаги таълим муассасаларида педагогик фаолият тизимида психологик ҳимояни шакллантириш ва ривожлантириш учун тайёрланган самарали тренинг дастурини қўллаш имконияти билан белгиланиб, диссертация иши натижаларидан педагогик кадрларни ўқитиш учун маъруза ва амалий машғулотларни тайёрлаш жараёнида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрганилаётган ҳодиса ҳақида амалий тасаввурни ҳосил қилувчи ва аниқлаштирувчи, психодиагностикага амалий ёндашиш имконини берувчи, педагогик фаолият тизимида психологик ҳимояни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнини очиқ берувчи замонавий педагогнинг структурали-функционал тавсифлар ишлаб чиқилиб, педагогик фаолиятда унинг аҳамияти, шунингдек, ишлаб чиқилган инструментарий (педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоянинг структур-функционал хусусиятларини баҳоловчи “Ҳаёт тарзи индекси” сўровномаси, педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоянинг ривожланиш даражасини баҳоловчи “Тугалланмаган жумла” сўровномаси) мазкур ҳодиса бўйича кейинги илмий тадқиқотлар доирасида қўлланилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоя юзасидан олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоянинг рационаллаштириш, компенсациялаш ва сиқиб чиқариш турлари ҳамда хавотирланиш ва дискомфорт туғдирувчи омилларни бартараф этишда етакчи психологик ҳимоя усулининг илмий асосларидан “Бошқарув ва маркетинг психологияси” фани бўйича Давлат таълим стандартини шакллантиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрь 89-03-3743-сонли маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида тайёрланаётган амалиётчи психологларнинг касбий мулоқот кўникмаларини шакллантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

педагогик фаолиятда психологик ҳимояни таъминловчи ижтимоий-психологик механизмлар ҳимоянинг когнитив, рефлексив, хулқий ва эмоционал компонентларни психологик тренингларга қўллаш бўйича ишлаб чиқилган усуллардан “Ўзбекистон ёшларида психологик етуклик кўрсаткичларини ўрганишнинг психодиагностика воситаларини ишлаб чиқиш, илмий асослаш ва амалиётга татбиқ этиш” номли амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрь 89-03-3743-сонли маълумотномаси). Натижада психологик ҳимоянинг асосий компонентларини шакллантирувчи сифатлар Марказнинг илмий-амалий таъминотини кучайтирган;

педагог шахсини ҳимоя қилиш, ўқувчи кадриятларини инobatга олиш, таълим жараёнини самарали бошқариш устуворлик қилувчи педагогик фаолиятни мазмунли кечишини таъминловчи психологик ҳимоянинг шакллари асосида Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 26 февралдаги П-М-2в-сон буйруғи билан психологларни тайёрлаш режасига киритилган “Шахслараро психология” курсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрь 89-03-3743-сонли маълумотномаси). Натижада соҳа вакилларида психологик ҳимоя хусусиятларини ривожлантириш бўйича профилактика ишлари ташкил этишнинг намунавий режасини ишлаб чиқилган;

психологик ҳимояни ижобий қўллаш асосида педагогик фаолиятга диагностик, прогностик-йўналтирувчи, конструктив-проектив, ахборотни шарҳловчи, коммуникатив-рағбатлантирувчи, таҳлилий-баҳоловчи, ижодий-тадқиқий фаолият шакллари самарали жорий этишга оид амалий тавсиялардан Тошкент давлат педагогика университети Психология ўқув-илмий марказининг 2020 йил 26 февралдаги П-М-2в-сон буйруғи билан татбиқ “Касб психологияси” модулини фаолиятга жорий этиш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 октябрь 89-03-3743-сонли маълумотномаси). Натижада бу психодиагностик текширувлар асосида шакллантирилган сифатли психологик тавсифномаларни тузишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб (9 параграф), хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 148 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Психологик ҳимояни структуравий-функционал ўрганишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида психологик ҳимоя ҳақида илмий назариялар, турли психологик ёндашувлар таҳлил қилинган. Бу ёндашувларда психологик ҳимоя ифодаланиши жиҳатидан агрессив ва позитив турларга бўлиниши, бунда ҳиссиётларни, эҳтиёжларни, қизиқишларни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя этиш назарда тутилганлиги сифатида баҳоланади. Шахсий даражада психологик ҳимоя деганда, шахсга қаратилган ички ва ташқи таҳдидлар таъсирини минимал даражада камайтириб, психологик барқарорликни таъминловчи, жорий психологик ҳолатни мувозанатга келтирувчи махсус регулятив тизимни тушуниш лозим.

Шахслараро муносабатда психологик ҳимоянинг ифодаланиши кўйидагича тавсифланади:

адекват – психологик ҳимоянинг амал қилиши хатарнинг сабаби билан мос тушиши;

самарадор – психологик ҳимоянинг мақсади хатарни бартараф этишга қаратилганлиги;

ўзига хослик – аниқ вазиятда қўлланилган психологик ҳимоянинг мазмун ва моҳиятни мослиги;

конструктив – психологик ҳимоянинг камолотни, муносабатларда ижобий барқарорликни таъминлашга қаратилганлиги.

Психологик ҳимоянинг функцияларидан бири онгни номақбул инстинктив майллардан ҳимоя қилишдан иборатлигини инобатга олсак, психологик ҳимоя ижтимоий муносабатлар жараёнида вужудга келадиган (шу жумладан эҳтимолий) низоларга конструктив тус бериш учун хизмат қилади. Бу ҳолат, психологик ҳимоя феноменини ижтимоий-маданий мазмун касб этишини кўрсатди. Мазкур тавсиф ички ва ташқи омилларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда функционал ва структуравий боғлиқлиги бўйича таҳлил этилса, унда ўзгариши мумкин. Ўзгаришларнинг шакли ва мазмуни эса, психологик ҳимоя механизмини қўлловчи шахснинг ижтимоий етуқлиги, тажрибаси (шу жумладан касбий) ва психологик саводхонлиги билан белгиланади. Шахслараро муносабатларда қўлланиладиган психологик ҳимоя механизмини шахсни психологик ҳимояси нуқтаи назар асосида кўриб, коммуникатив вазиятларда ахборотнинг психологик таъсири жиҳатидан амал қилишини кузатиш мумкин. Булар:

чекланиш – алоқани узиш, таъсир кўрсатадиган доирадан четланиш;

кувиш – ижтимоий масофани узайтириш, агрессордан узоқлашиш, таъсир кўрсатувчи манбани сиқиш;

ихоталаш – таъсир кўрсатиш жараёнини назорат қилиб, психологик жароҳат етказувчи субъектдан ҳимоялаш мақсадида тўсиқлар воситасида психикани ҳимоя қилиш;

бошқариш – таъсир кўрсатиш жараёнини назорат қилиб, уни тугаллашини таъминлаш;

сукут сақлаш– ҳимоя субъекти ҳақидаги ахборотни сохталаштириш, яшириш ёки қисқартириш;

менсимаслик– таъсир кўрсатувчи манба ҳақида ахборот кўламини чегаралаб, таҳдид характерини белгиланган ҳолда идрок этиш.

“Тарихий-маданий психологик” концепциянинг ғоялари бўйича психологик ҳимоя турли тарихий-маданий контекстларда намоён бўлиши мумкин. “Бир ёмоннинг бир яхшилиги ҳам бор”⁸– мазкур халқ мақолида, ёмонлик – деструктив психологик ҳимоя (инкор этиш) тарзида ифодаланган. Яъни, инсон ўзини ўзи ҳимоя қилиши натижасида бошқа бировга ёмон кўринган. Яхшилиги бор деганда эса ундаги мужассамлашган шахсий сифатлар жамиятда қабул қилинган меъёрларга мос тушиши кўрсатилган. “Руҳи тетикнинг – иши тетик” мақолда, инсон психологик ҳимоядан вужудга келган вазиятни инобатга олган ҳолда ифода этиб, атрофдагиларга ҳам ижобий хулқ намунаси билан ижтимоий тасаввур шакллантирилганлиги таъкидланган. Шу мазмундаги мақоллар ҳар бир этносда мавжуд.

Психологик ҳимоя психоанализда ўрганилган бўлиб, неофрейдистлар мулоқот, шахслараро муносабатларда ҳимоя механизмларни шаклланишини ўрганишга мушарраф бўлганлар⁹. Неофрейдистлар хавотирланиш ҳисси манбаини ижтимоий-маданий омилларнинг таъсири ҳамда ёлғизлик ва ноиложлик, шунингдек, ота-онанинг меҳри етишмаслиги натижасида вужудга келадиган шахслараро низоларни ўрганиб, психологик ҳимоя механизми турларининг структуравий-функционал талқинини келтирганлар. Психологик ҳимоя механизми намуналари сифатида компенсация (А.Адлер), эзиш (К.Хорни), чекиниш, қочиш (Э.Фромм), танлаб идрок этиш (Г.Салливен) кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкинки, шулар жумласидандир.

Интеракционистик ёндашув вакиллари психологик ҳимоя механизминини перцепциялашув ва символизациялашув жараёни билан боғлайди. Бунда онгсизлик асосида ифодаланган ҳимоя тури компенсаторлик, яъни етишмаётган сифатларни рўкаш қилиш учун (яшириш учун) қўлланилишини кўрсатиб, салбий эмоцияларни ифода этишдан ҳимоя қилиш учун қўлланилишини кўрсатиб ўтган.

⁸ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақоллари изоҳли луғати. – Тошкент: Энциклопедия, 1990. – Б. 41.

⁹ Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. – М., 1995. – 243 с., Бернс Р. Развитие Я-концепции и воспитание. – М.: Прогресс, 1986. – 422 с., Куттер П. Современный психоанализ. – СПб., 1997. – 351 с., Юркова М.В. Структура и динамика защитных механизмов личности в процессе ее социализации // Дис. ... канд. психол. наук. – Ярославль, 2000. – 118 с.

Трансактли таҳлилда ҳимоя механизми вақт оралиғи таъсирида ўзгача ифодаланади. Бунда бошқаларнинг эҳтиёжи ва маълум бир гуруҳга ёки ижтимоий мавқега мансублик психологик ҳимояни индивидуал тарзда намоён этишни тизимлаштириш учун хизмат қилади. Э.Берн мазкур ижтимоий-психологик жараёни ўрганиб, уларнинг қуйидагича намоён бўлишини кўрсатиб ўтган:

- туташув – ҳар қандай муносабатлардан воз кечиш;
- ритуал (тартиб, таомил) урф-одат ва анъаналар асосида кечадиган, тулиқ илғайдиган ҳаракат;
- фаолият – ташқи реалликка йўналтирилган ҳаракат ҳисобланиб, дастурлаштирилган манбалар билан алоқадорлик;
- овунтириш – эркин танланадиган ҳаракат ҳисобланиб, аниқ меъёр доирасида амал қилмайдиган ва илғамайдиган;
- ўйин – психологик наф олиш учун мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик мажмуаси. Бунда шерикнинг онгсиз ҳаётий режаларига қизиқарли воқеа, ҳаётий ибрат ва афсоналарга таянилади.

Психологик ҳимоя психиканинг асосий функцияси ҳисобланиб, уч даражада ифодаланади. Биринчи даражада, хулқнинг регуляцияси, организмнинг ҳимоявий шакли, сенсор психика асосида кечади. Сенсор психика эса алоҳида организм тизими алоҳида анализатор ҳамда яхлит организмнинг амал қилиши натижасида таъминланади. Иккинчи даражада, индивиднинг психологик ҳимояси перцептив психологик регуляция асосида таъминланади. Улар марказий нерв тизимини юқори жисмоний ва маъноли кўзгатувчилардан ҳимоя қилади. Учинчи даражада, шахснинг психологик ҳимояси онг воситасида регуляция қилинади ва таъминланади. Улар шахснинг психологик структурасини мустаҳкамлайди.

Бу ўз навбатида психологик ҳимоя моделининг индектив талқинини келтиришни тақозо этади:

махсус ҳимоялар. Булар махсус эмоциялар билан қоришганда вужудга келади;

ҳимоянинг асосий саккизта механизмлари мавжуд. Булар асосий эмоциялар билан қоришганда вужудга келиб кўрқув, ғазаб, қувонч, ғам, эътироф этиш, инкор этиш, кутув ва ҳайратланиш;

психологик ҳимоянинг саккизта механизми (инкор этиш, проекция, интеллектуализация, регрессия ва б.) бир-бирига ўхшаш ва айри таркибларга эга;

шахс типологияси асосида ҳимоя тарзи намоён бўлади;

индивид психологик ҳимоянинг турли комбинациясини танлаши мумкин.

Психологик ҳимоянинг ифодаланишини баҳолаш учун унинг қуйидаги белгиларини инобатга олиш лозим:

- “Валентлик” – субъект, психологик ҳимоя турларидан мунтазам позитив ёки негатив тарзда фойдаланиш афзаллигини билади (баҳо).

- “Поляризация” – субъект, психологик ҳимоя тури афзалликларининг қайси ҳолатда (вазиятда) қўлланганлигини мунтазам ўртача баҳолайди.

- “Диапазон” – субъект, психологик ҳимоядан фойдаланиш кўламини вужудга келган ҳолатига қараб кенг ёки тор даражада ифода этади.

- “Дифференциялаштирилган” – субъект, психологик ҳимоя усулини танлашда, уни қайси соҳани (сатҳни) ҳимоя қилишини инобатга олган ҳолда қўллай олиши;

- “Лабиллик” – субъект, психологик ҳимоя усулини қўллаш жараёнида, ҳимоя объектини ҳолатига қараб ҳимоя тарзини ўзгартириши ёки барқарор давом эттириши;

- “Баҳоловчи” – субъект, психологик ҳимоя усулини қўллашда, уни таъсирчанлиги тавсифини инобатга олиб қўллай олиши.

Ишнинг иккинчи боби **“Педагогик фаолият тизимида психологик ҳимоя: илмий концепция ва моделлар”** деб номланиб, унда психологик ҳимоянинг компонентларини шакллантириш, уларнинг алоқадорлиги, синтезлашуви, интеграциялашуви ҳамда коррекциясини амалга оширишнинг назарий ва амалий жиҳатлари акс эттирилган.

Тадқиқотда педагогик фаолиятда психологик ҳимоядан фойдаланиш педагогнинг функционал ҳолатини ижобий барқарор сақлаш учун муҳим ҳисобланиши, унинг аҳамиятлилиги фаолиятда шахсий салбий кечинмаларнинг таъсирига тушмаслик; фаолиятда педагог гендер хусусиятларини доминантлигига тушмаслик; фаолиятда шахслараро муносабатлардаги зиддиятларнинг таъсирга тушмаслик; фаолиятда таълим олувчиларнинг хулқ меъёрига амал қилмаслигига салбий жавоб қайтармаслик; фаолиятда учрайдиган касбий камчиликларга касбдошлари томонидан тавсияларга ижобий муносабатда бўлиш; фаолиятда таълим олувчиларга ҳар қандай вазиятда хайрихоҳ бўлиш; фаолиятда рўй берадиган номаълум вазиятларда ишчанликни сақлаб қолиш; фаолиятда таълим олувчиларни ёш ва гендер хусусиятларини инобатга олиш ва бошқаларда намоён бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Психологик ҳимоя педагогнинг психологик камолотига диҳоматик (икки томонлама) таъсир кўрсатиб, таъсир кўрсатишнинг мазмунига кўра уларни конструктив ва деструктив ҳимоя турига ажратиш мумкин.

Конструктив психологик ҳимоя педагогнинг ҳаёт-фаолиятининг янги шароитларига мослашувига хизмат қилиб, ўзига бўлган баҳонинг барқарорлиги ҳамда атроф-муҳитини (дунё образини) ҳамда психологик комфортни таъминлайди.

Деструктив психологик ҳимоя эса психологик ҳимоянинг меъёридан ортиқ қўлланилиши натижасида шахснинг психик саломатлигини издан чиқаради ва инфантил ва ташқи-ички низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Психологик ҳимояга доир илмий манбаларнинг қиёсий таҳлили конструктив психологик ҳимояни қуйидагича тавсифлаш имкониятини беради:

психологик ҳимоя ижтимоий меъёрларининг талабларига мос тушади ҳамда ижтимоий кутувларга мос келади;

психологик ҳимоянинг амал қилиш асосини тафаккур ва тасаввур жараёнлари ташкил этади;

психологик ҳимоя салбий психологик таъсирларнинг мазмунига мос тушади;

психологик ҳимоя онгли тарзда амалда қўлланилиб, рефлексия билан назорат қилинади;

психологик ҳимоя ҳимоя механизмининг кенг қамровидан мақбул тарзда фойдаланишни тақазо этади;

психологик ҳимоя ташқи ижтимоий-психологик мослашувни таъминлайди;

психологик ҳимоя субъектнинг ҳаётӣй вазифаларини қониқарли таъминлаш учун хизмат қилади;

психологик ҳимоя ўзаро муносабатларда шахс камолоти ва унинг ижтимоийлашувини таъминлайди.

Психологик ҳимоянинг ифодаланиши шахсий сифатларни онгли намоён этиш билан бирга психологик ҳимоя ҳақида билим ва кўникмаларга эга бўлган тақдирда ифодаланиши кузатилади. Шу сабабли шакллантирувчи психологик тренингларни ўтказишда, тренинг иштирокчиларида психологик ҳимояга оид билим бериш билан бирга, уларда психологик ҳимоя механизми моделларидан фойдаланишни ўргатиш тавсия этилади. Бу ижтимоий-психологик жараёнда психологик ҳимоя моделларининг қуйидаги компонентлари шакллантирилиши ёки коррекция қилиниши мақсадга мувофиқ.

Эмоционал компонент эмоцияларнинг маҳсули ҳисобланиб, мураккаб ҳаётӣй вазиятларда хулқ стратегиясининг танлашини таъминлайди. Агарда салбий ёки ижобий эмоциялар таъсири асосида психологик ҳимоя механизми танланса, бунда психологик ҳимоянинг конструктивлиги ёки деструктивлиги таъминланади, яъни эмоциялар мазкур моделда онгсизлик даражасида ифодаланади. Инкор этиш, сиқиш, алмаштириш ҳамда регрессия каби содда психологик ҳимоя механизмларидан фойдаланилади. Манбаларда кўрсатилишича, зўриқишни келтириб чиқарувчи вазиятларда, вазият когнитив таҳлил этилмайди ва улар инобатга олинмайди, эсдан чиқарилади. Унинг салбий жиҳати шундаки, салбий эмоционал реакциялар бошқаларга, бошқа бир объектга ўтказилади ва инфантил хулқ намунаси ифодаланади.

Хулқ компоненти шахсни фаолиятга пассив-фаол муносабатда бўлишида ифодаланиб, конструктив ёки деструктив муносабатлар тарзини келтириб чиқаради ва копинг хулқ стратегияси шаклида психологик жиҳатдан баҳоланади. Бунинг ижтимоий-психологик хусусияти сифатида танг вазиятни юмшатишда қўлланилиб, стихиявий даражада эса муаммодан “қочишда” ёки “масъулиятни зиммасига олишдан” ўзини тортишда намоён бўлади. Ўзини тортиш эса бошқа бир фаолият тури билан шуғулланишда кўриниб, муаммовий вазиятни тўхтатишга қаратилган бўлади.

Рефлексив компонент стихиявий даражадан эмпирик даражага ўтишда ифодаланиб, шахснинг ўзини назорат қилишини, ўзини англашни ва индивидуал хатти-ҳаракатларни баҳолашни таъминлайди. Агарда, рефлексив компонент онгсиз – стихиявий тарзда қўлланилган психологик ҳимоя механизмидан, ўзини назорат қила оладиган даражадаги хулқни намоён

этишни таъминласа, бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашда рефлексив компонентни ижтимоий-психологик компетенциянинг таркиби сифатида шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Педагогик фаолиятда конструктив психологик ҳимоя моделининг амал қилиши:

стихиявий даражада, яъни кўқисидан ифодаланган психологик ҳимоя шаклида;

эмпирик даражада, яъни онгли даражада хулқ намунасини ифода этишда;

назарий даражада психологик ҳимояни онгли ҳамда унга доир билимлар мажмуаси ва шакллантирилган кўникмага таяниб ифода этишда намоён бўлади.

Диссертацион тадқиқотинг учинчи боби **“Психологик ҳимояни эмпирик ўрганиш натижалари”** деб номланади. Боб доирасида эмпирик тадқиқот натижаларининг ижтимоий психологик таҳлили келтирилган. Тадқиқотда 260 нафар респондент иштирок этган бўлиб, уларнинг 71,5 фоизини (186 нафар) эркак, 28,5 фоизини (74 нафар) аёллар ташкил этиши, ёш кўрсаткичларига кўра эса, уларнинг 35,8 фоизини (93 нафар) 46 ёшдан 50 ёшгача, 23,8 фоизини (62 нафар) 41 ёшдан 45 ёшгача, 21,2 фоизини 29 ёшдан 35 ёшгача ва 19,2 фоизини (50 нафар) 36 ёшдан 40 ёшгача бўлганларнинг сони, фоизи ва ранг кўрсаткичлари келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Эмпирик тадқиқот танлов гуруҳининг ёш кўрсаткичлари тавсифи

Ёши бўйича	Сони	Фоизи	Ранг
29 ёшдан 35 ёшгача	55	21,2	III
36 ёшдан 40 ёшгача	50	19,2	IV
41 ёшдан 45 ёшгача	62	23,8	II
46 ёшдан 50 ёшгача	93	35,8	I
Умумий	260	100	

Ёш кўрсаткичларини респондентларнинг жинсига кўра ижтимоий-психологик тавсифи қуйидагиларни кўрсатди: а) эркак жинсига мансуб респондентлар ёш кўрсаткичларига кўра улар орасида 46 ёшдан 50 ёшгача (21,9 фоиз, 57 нафар) ҳамда 29 ёшдан 35 ёшгача бўлган (18,5 фоиз, 48 нафар) респондентлар устуворлик қилиб, 41 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар 16,2 фоизни (42 нафар) ва 36 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар 15 фоизни (39 нафар) ташкил этди (2-жадвал).

2-жадвал.

Эмпирик тадқиқот танлов гуруҳининг эркак жинсига мансуб
респондентлари ёш кўрсаткичлари тавсифи

Ёши бўйича	Сони	Фоизи	Ранг
29 ёшдан 35 ёшгача	48	18,5	II
36 ёшдан 40 ёшгача	39	15,0	IV
41 ёшдан 45 ёшгача	42	16,2	III
46 ёшдан 50 ёшгача	57	21,9	I
Умумий	186	71,5	

б) аёл жинсига мансуб респондентлар ёш кўрсаткичларига кўра улар орасида 46 ёшдан 50 ёшгача (13,8 фоиз, 36 нафар) ҳамда 41 ёшдан 45 ёшгача бўлган (7,7 фоиз, 20 нафар) респондентлар устуворлик қилиб, 36 ёшдан 40 ёшгача бўлганлар (4,2 фоиз, 11 нафар) ва 29 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар 2,7 фоизни (7 нафар) ташкил этди (3-жадвал).


3-жадвал.

Эмпирик тадқиқот танлов гуруҳининг аёл жинсига мансуб
респондентлари ёш кўрсаткичлари тавсифи

Ёши бўйича	Сони	Фоизи	Ранг
29 ёшдан 35 ёшгача	7	2,7	IV
36 ёшдан 40 ёшгача	11	4,2	III
41 ёшдан 45 ёшгача	20	7,7	II
46 ёшдан 50 ёшгача	36	13,8	I
Умумий	74	28,5	

Маълумотлардан кўриниб турганидек, аёллар орасида 29 ёшдан 35 ёшгача бўлган респондентлар (2,7 фоиз) эркакларга нисбатан (18,5 фоиз) тўрт баробар озчиликни ташкил қилади.

“Ҳаёт тарзи индекси (Life Style Index, LSI)” сўровномасидаги психологик ҳимоя механизмларининг (шкалалар) ифодаланишини аниқлашда ўртача гуруҳий кўрсаткичлар (M – медиана) асос қилиб олинди. Бунда танлов гуруҳида (**n=260**) биринчи (ташхислаш – биринчи кесим – тренинг дастури қўлланилгунча) ҳамда иккинчи босқичдаги (психокоррекция – иккинчи кесим – тренинг дастури қўлланилганидан сўнг) ушбу методика бўйича психологик ҳимоянинг алоҳида механизмлари (инкор этиш, сиқиб чиқариш, регрессия, алмаштириш, компенсациялаш, гиперкомпенсация, рационаллаштириш, проекциялаш) ва умумий кўрсаткичларининг статистиканинг частотали методи ёрдамида қиёсий таҳлили амалга оширилди (1-расм).



1-расм.

“Ҳаёт тарзи индекси” сўровномаси психологик ҳимоя механизмлари (шкалалари)нинг частотали кўрсаткичлари (танлов гуруҳи ўртача кўрсаткичлари ҳисобида).

Танлов гуруҳининг ушбу сўровнома бўйича ўртача гуруҳий кўрсаткичлари математик-статистик таҳлили экспериментал таъсир, яъни психокоррекция тадбирлари (тренинг дастури асосида) қўлланилганидан сўнг психологик ҳимоя механизм компонентларининг барчасида миқдорий ўзгаришлар (силжишлар) юз берганлигини кўрсатди.

Энг кўп эмпирик ўзгаришлар “Инкор этиш” (биринчи кесимда – 59%, иккинчи кесимда – 36%, силжиш – 23%), “Проекция” (биринчи кесимда – 71%, иккинчи кесимда – 54%, силжиш – 17%), “Сикиб чиқариш” (биринчи кесимда – 53%, иккинчи кесимда – 37%, силжиш – 16%), “Регрессия” (биринчи кесимда – 49%, иккинчи кесимда – 34%, силжиш – 15%), “Алмаштириш” (биринчи кесимда – 36%, иккинчи кесимда – 25%, силжиш – 11%), каби психологик ҳимоя механизмларининг қўлланиш частотасида юз берган бўлиб, ушбу механизмлар примитив, яъни психологик ҳимоянинг содда механизмлари ҳисобланиб, уларнинг намоён бўлиши кўрсаткичларининг пасайиши респондентлар томонидан қийин вазиятларни “қабул қилиш”, уларнинг мазмуни ва келиб чиқиши сабабларини таҳлил қилиш, мураккаб вазиятларни бошдан кечириш жараёнини назорат қилиш, муаммоларни бартараф этишда ўз ўрнини англашни ўзлаштира олганликларидан далолат беради.

Психологик ҳимоя механизмларининг “етук” ҳисобланувчи “Рационаллаштириш” (биринчи кесимда – 52%, иккинчи кесимда – 68%, силжиш – + 16%), “гиперкомпенсация” (биринчи кесимда – 30%, иккинчи кесимда – 42%, силжиш – + 12%), “Компенсация” (биринчи кесимда – 56%, иккинчи кесимда – 69%, силжиш – + 13%) кабиларда ўзига хос ўсиш кузатилиб, бу эса уларда низоли вазиятларда компромиссли қарор қабул қилишга тайёрлик, вазият мазмунини англашда когнитив усулларни қўлланилишини ўзлаштирганликларини кўрсатади.

Частотали таҳлил кўрсаткичлар ўртасида фарқланиш мавжудлигини кўрсатиб турган бўлса-да, бу статистик ишончлилик нуқтаи назаридан етарлича ҳисобланмайди. Чунки, танлов гуруҳи маълум бир белги асосида қийсланганда частотали таҳлил жараёнида аҳамиятли бўлиб кўринган фарқланиш аслида статистик нуқтаи назардан бундай бўлмаслиги мумкин.

“Ҳаёт тарзи индекси (Life Style Index, LSI)” сўровномасидаги қолган психологик ҳимоя механизмлари (шкалалар) ҳам танлов гуруҳининг “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича Фишер мезони (χ^2) асосидаҳудди шу тартибда статистик таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари (4-жадвал) психологик ҳимоя механизмлари танлов гуруҳининг “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича фарқланишини кўрсатди:

психологик ҳимоянинг “сиқиб чиқариш” механизмида “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича ишончли даражада пасайиш ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 3,683$) кузатилиб, бу респондентларнинг муаммоли вазиятларни мавжуд инсоний ресурсларини қўллаган ҳолда ечимини топиш, хавотирли маълумотни инobatга олмасликдан воз кечишга интилишларини, онг соҳасидан хавотирли маълумотларни ўчириб ташлаш, ёддан чиқаришга мойилликнинг пасайишидан далолат беради;

психологик ҳимоянинг “регрессия” механизмида “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича ишончли даражада пасайиш ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 3,489$) кузатилиб, бу респондентларнинг муаммоли вазиятларни ечишда хулқ-атворнинг инфантил шакллариининг қўлланилиши ҳолатларининг камайганлигидан далолат беради;

психологик ҳимоянинг “алмаштириш” механизмида “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича ишончли даражада пасайиш ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 2,736$) кузатилиб, бу респондентларнинг муаммоли вазиятларни уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф этишни қўллаган ҳолда, эмоционал реакцияларни бошқа шахсларга кўчирмасдан ечишга интилишлари далолат беради;

психологик ҳимоянинг “инкор этиш” механизмида ҳам “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича ишончли даражада пасайиш ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 5,302$) кузатилиб, бу респондентларнинг муааммоларнинг мавжудлигини инкор этиш, қабул қилмасликка мойилликнинг камайганлигидан далолат беради;

психологик ҳимоянинг “проекция” механизмида ҳам “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича ишончли даражада пасайиш ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 3,911$) кузатилиб, бу респондентларнинг муаммоли вазиятларни келиб чиқиши сабабларини ва ўз хатти-ҳаракатлари ва шахсий хусусиятларини таққослашга интила бошлаганликларидан далолат беради;

психологик ҳимоянинг “компенсация” ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 3,078$), “гиперкомпенсация” ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 2,862$), “рационализация” ($p < 0,01$ бўлганда $\chi^2_{эмп} = 3,740$), механизмларида “биринчи кесим” ҳамда “иккинчи кесим” белгилари бўйича ўсишнинг кузатилиши эса респондентларда муаммоли вазиятларни когнитив таҳлил қилишнинг, уларни енгиб ўтишнинг

конструктив йўналишда турли вариантларини қидиришнинг кучайганлиги, ўзларининг шахс хусусиятларининг устунликлари ва камчиликларини англаш даражасининг ўсганлигидан далолат беради.


4-жадвал.

**“Ҳаёт тарзи индекси” сўровномаси психологик ҳимоя
